

Шу биргина оят хусусида фикр юритиб кўр

08:48 / 10.12.2019 1645

Шу биргина оят хусусида фикр юритиб кўр: «Иймон келтирганлар учун қалбларнинг Аллоҳ зикрига ва нозил бўлган ҳаққа юмшаши, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?» (Ҳадид сураси, 16-оят).

(Аллоҳни тез-тез эслаб турмасак, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашсак, қалбимизни моғор босади, бағримиз тошга айланади. Кейин унга Аллоҳнинг зикри ҳам, дин таълимотлари ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қолади).